



2006 йил 31 августдан  
чоп этила бошлаган

Ижтимоий-сиёсий газета

# ЖАМИЯТ

№ 36 (811)  
2022 йил  
22 сентябрь,  
Пайшанба



[www.bong.uz](http://www.bong.uz)



[jamiyatgzt@mail.ru](mailto:jamiyatgzt@mail.ru)



[t.me/bonguz1](https://t.me/bonguz1)

**Фарзанд тарбияси ўта нозик масала. Шунинг учун ҳам бола тарбиясида, аввало оиладаги маънавий муҳит, ота-оналарнинг ўзаро муносабатлари, мутаносиблик, муроса йўлини танлай билиши жуда муҳим ҳисобланади.**



**ЎЗБЕКИСТОН  
ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ  
ЁРҚИН ҒАЛАБАСИ**

**БОЛАЛИКНИ**

**ЎФИРЛАМАНГ!**

**ҲОКИМ  
ЁРДАМЧИСИДАН  
ХАЛҚҚА  
НЕ НАФ?**



*Эзгуликнинг  
умри барҳаёт*



**МУЛҚДОРЛАР  
ҲУҚУҚЛАРИ  
КАФОЛАТЛАРИ**



**АВВАЛ  
МАЪРИФАТ,  
КЕЙИН СИЁСАТ**

# ЎЗБЕКИСТОН ДИПЛОМАТИЯСИНИНГ ЁРҚИН ҒАЛАБАСИ

Бугунги кунда дунёдаги нуфузли халқаро тузилмага айланган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти 2001 йил 15 июнда Шанхай шаҳрида Ўзбекистон, Қозоғистон, Хитой, Қирғизистон, Россия ва Тожикистон имзолаган декларация асосида ташкил этилган.



Ўзбекистон Шанхай ҳамкорлик ташкилотига асос солган давлатлардан бири сифатида унинг фаолиятида муҳим ва фаол роль ўйнамоқда. Мамлакатимиз ташаббуслари доим ШХТнинг халқаро нуфузини ва салоҳиятини юксалтиришга, кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келган.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида Ўзбекистон ШХТ доирасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшиш баробарида унинг халқаро обрўсини ошириш йўлида астойдил иш олиб борди. Юртимиз ШХТга раислик давримизда тузилма доирасидаги амалий ҳамкорликни фаоллаштириш, унинг салоҳияти ва халқаро нуфузини оширишга интилди.

Ташкилот фаолиятининг барча соҳаларида кўплаб ташаббуслар амалга оширилди. Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги фаол ўрни, шу жумладан, Шанхай ҳамкорлик ташкилотидек тузилмага муваффақиятли раислиги давлатнинг ўрни тобора юксалиб бораётганидан ҳамда мамлакатнинг тараққиёт йўлидаги қатъий мақсадга содиқ эканлигидан далолат беради.

Шу йилнинг 15-16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бутун жаҳон ҳамжамиятининг эътиборини тортган Шанхай ҳамкорлик ташкилоти давлат раҳбарларининг саммити айтиш

мумкинки, ўзига хос тарихий воқеага айланди.

Саммитда 14 та мамлакат етакчилари ҳамда ташкилотга аъзо мамлакатлар ва унинг тузилмалари етакчилари билан бирга ШХТ хузуридаги кузатувчи давлатлар раҳбарлари, саммитнинг фахрий меҳмонлари, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, жумладан, БМТ Бош котибининг ўринбосари қатнашгани анжуманнинг нуфузини янада оширди.

Президентимиз ўз нутқида ШХТ келажаги ва мамлакатларимиз ривожини кўп жиҳатдан баҳамжиҳат ва самарали ишлашга боғлиқ эканини таъкидлаб, биз биргаликда минтақавий ва глобал хавфсизликни таъминлаш мақсадида, мамлакатларимиз ҳамда халқларимиз тараққиёти ва фаровонлиги йўлида ташкилотни янги марраларга олиб чиқишга қодирмиз, дея ишонч билдирди.

ШХТ доирасидаги кўп қиррали ҳамкорликнинг долзарб масалалари юзасидан аниқ таклифлар ва амалий ташаббусларни илгари сурди. Энг аввало, ташкилотнинг блокларга қўшилмаслик мақомини ва очиклигини, кенг халқаро ҳамкорликка йўналтирилганини сақлаб қолиш, хавфсизликнинг яхлитлик тамойилига риоя қилиш муҳимдир. Зеро, Марказий Осиё бундан буён ҳам ШХТнинг “географик ядроси” бўлиб қолиши керак.

Президентимиз таъбири билан айтганда, “Шанхай руҳи” тамойиллари асосида бирдамлик, ўзаро қўллаб-қувватлаш ва шерикликни мустаҳкамлаш яна бир асосий вазифа ҳисобланади. “Биз фақат шу йўл билангина ШХТ минтақасида тинчлик, барқарорлик ва фаровонликни таъминлашимиз мумкин”.

Давлатимиз раҳбари ушбу принципиал ёндашувлардан келиб чиқиб ва бугунги халқаро вазиятни ҳисобга олган ҳолда, ШХТнинг 2040 йилгача Ривожлантириш стратегиясини тайёрлаш таклифини билдирди. Ушбу дастурий ҳужжат кўп қиррали ҳамкорликнинг барча жабҳаларини қамраб олиш, ШХТни узоқ муддатли ривожлантиришнинг устувор йўналишларини белгилаб беришга қаратилгани билан қувонардир.

Анжуман доирасида Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой темир йўли қурилиши лойиҳаси бўйича ҳамкорлик тўғрисида уч томонлама битим имзолангани ҳам айтиш мумкин бўлди. Бойси, йигирма йилдан ортиқ вақт мобайнида муҳокамада бўлган бу лойиҳанинг Самарқандда ўз ечимини топгани ҳам Ўзбекистон ташаббусларининг нақадар аҳамиятли экани ва ўзаро боғлиқлик тенденцияларига ҳамоҳанглигидан далолат беради.

Ишончим комилки, саммит доирасида эришилган келишув ва маслаҳатлашувлар нафақат ШХТ маконида, балки дунёнинг бошқа минтақаларида ҳам барқарорлик ва тараққиётни таъминлашга хизмат қилади. Қабул қилинган ҳужжатлар ва қарорлар ташкилотнинг янада ривожланиши ҳамда нуфузининг юксалишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилади.

Шерзод ҚУЛМАТОВ,  
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси  
депутати

## ХАЛҚЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН САММИТ

Бугун Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Самарқанд саммити улкан муваффақият қозонди, дейишга барча асослар етарли. Зеро, дунё тарихида чуқур из қолдирадиган, узоқ йиллар давомида натижалари ва ютуқлари қайта-қайта тилга олинадиган тарихий саммит кўпчилик ўйлагандан ҳам юқори даражада ўтди.



аҳамиятга молик долзарб масалалар юзасидан фикр алмашди.

Президентимиз ўз нутқида Ўзбекистоннинг 2021-2022 йилларда ШХТга раислиги натижалари юзасидан тўхталиб, бу даврда 80 дан ортиқ йирик тад-

Ушбу нуфузли анжуман кун тартибига мувофиқ, давлат раҳбарлари ШХТ доирасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати ва истиқболларини муҳокама қилди, минтақада юзага келаётган сиёсий ва иқтисодий вазиятни ҳисобга олган ҳолда минтақавий ва халқаро

бир ўтказилгани, пандемиянинг мурраккаб оқибатлари ва янги хавф-хатарларга қарамай, Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги режаси тўлиқ бажарилганини билдирди.

Давлатимиз раҳбари ШХТнинг блокларга қўшилмаслик мақомини, очиклик ва кенг ҳамкорликка қара-

тилган руҳини сақлаш, муроса, тенг ҳуқуқчилик ва ўзаро ҳурмат принципларига амал қилиш зарурлигини алоҳида таъкидлади.

Шуларни ҳисобга олиб ҳамда ШХТ доирасидаги кўп қиррали шерикликнинг самарали тажрибасига таяниб, давлатимиз раҳбари яқин йилларда ҳамкорликнинг асосий йўналишларидаги устувор вазифаларни ҳал этишга доир аниқ таклиф ва амалий ташаббусларни илгари сурди.

Айниқса, давлатимиз раҳбарининг Афғонистон масаласига тўхталиб, Афғонистон учун алоҳида жамғарма тузиш таклифини бергани инсонийлик, инсонпарварлик ва бағрикенгликнинг ёрқин намунаси.

Эътиборлиси, ушбу саммит фақат сиёсий тадбирлар билан чекланиб қолмай, миллатлар ўртасидаги дўстлик, маданият, манавият, урф-одатлар ривожини ҳам турли тадбирлар орқали кўрсата олди.

Самарқандда бир дастурхон атрофига йиғилган, дунёнинг тенг ярим аҳолисининг манфаати учун хизмат қилаётган давлат раҳбарларини кўрар эканмиз “бирлашган-ўзар” деган сўзлар кўнглимдан ўтди. Ҳақиқатдан ҳам, бирлашиб, маслаҳатлашса ечилмайдиган муаммонинг ўзи йўқ. Кўпчилик давлат раҳбарларига Самарқанд шундай имкониятни берди ва улар бу имкониятдан унумли фойдаланди.

Шу жиҳатдан, Самарқанд саммити дунёда хавфсизлик ва тараққиётни таъминлашга, ташкилотнинг жаҳондаги нуфузини янада мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшди, деб баралла айтоламиз. Зотан, Ўзбекистоннинг ШХТга раислиги даврида ташкилотнинг нуфузи ва салоҳияти янада юксалди.

Ақшагул ТУЛЕГЕНОВА,  
Олий Мажлис Қонунчилик  
палатаси депутати

# АВВАЛ МАЪРИФАТ, КЕЙИН СИЁСАТ

**Хар қандай иллат руҳиятдан танага кўчади. Биз кўпинча, танани даволашга киришиб кетамиз. Ваҳоланки, руҳиятни даволаш керак. Агар руҳият соғлом бўлса, тана ҳам соғлом бўлади, тезда тузалади.**

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев “Иқтисодиёт жамиятнинг танаси бўлса, маънавият унинг жони ва руҳидир” дея бежиз эътироф этмаган. Демак, жон ва руҳсиз бадан шунчаки жасад. Жон, жасад руҳнинг бирлиги билангина одамзод ҳаёт. Худди шу маънода, маънавият ва маърифат жамиятнинг руҳ ва жон озиғидир. Ундан куч олади, нур эмади. Улуғвор мақсадлар сари интилади. Инсонни ҳаракатлантирувчи куч ҳам унга берилган руҳий қувват, кўтаринки кайфият, руҳият теклигидир.

Президентимиз таъбири билан айтганда “маънавият энг таъсирчан ва қудратли қуролимиз.” У қачон қудратли қурол бўлади, қачонки, унинг таъсирчанлиги таъминланса. Гап ижобий ва ижодий таъсирда, тарғиботнинг маънавий таъсир кучида. Таъсирчан куч воситаларидан бири эса бу сўз, нутқ. Қолаверса, мақсадли маърифий ҳаракатнинг ҳамда тиник ва теран тафаккурнинг инъикоси ҳам аслида, сўз, жозибатор нутқдир. Санъатнинг, истеъдоднинг ёрқин намоёни ҳам у биландир.

Бу эса бугунги кунда олиб борилаётган ислохотлар, бунёдкорлик ишлари ва сиёсий-ижтимоий жараёнларда ўз аҳамиятини яққол ифода этаётгани ҳам рост. Янги Ўзбекистон шуқуҳи, Учинчи Ренессанснинг мазмун-моҳияти ва пировард мақсадларимизни омма онгига таъсирчан тарзда етказиш билан изоҳланади. Теран тафаккур, тил, таъсирчан нутқ, аниқ мақсадли ҳаракат имкониятларини истифода этиш механизмларини билиш ва унга амал қилиш натижа ва самарадорликка кенг йўл очади.

Немис мутафаккири Йоган Гёте шундай ёзган эди: “Қаёққа бораётганингни билмасанг, узокқа бора олмайсан”. Демак, мақсад кўйиш психологиясини билиш лозим. Аниқ мақсад эса ҳаракат қолипидир.

Демак, Янги Ўзбекистон мафкураси ва ғояларини омманинг қалбу шуурига сингдиришда таълим ва тарбия ва унга жону руҳ бахш этувчи маънавият ва маърифатнинг самарали механизмлари ҳамда услубларини такомиллаштириш давр талаби. Бунёдкорлик йўлидаги қурилишлар халқ онгу тафаккуридаги бурилишлар билан уйғун бўлгандагина кишида яратувчилик иштиёқи, улуғ ишларга сафарбарлик, ватан туйғуси тобора мустаҳкамланиб боради. Тарғиботнинг асл моҳияти таъсирчанлик талаби, ташвиқот шавқи билан. Демак, ҳар бир тарғиботчи у хоҳ шоир, хоҳ олим, хоҳ кўшиқчи ёки актёр, хоҳ театр ва кино санъати устаси бўлсин, барчаси тарғиботчининг таъсирчанлик даражасини обдон эгаллаган бўлиши керак. Аслида, тарғиботчи маҳорати ҳам шу билан белгиланади. У қайси сўзни қачон, қаерда, қандай қилиб, энг муҳими қанча айтишни билиши керак. Бу қолаверса, унинг диди, ақл-идроқи, фаҳм-фаросатининг белгисидир. Ҳар бир давранинг ўзига хосу мос “иклим”и бўлади.

Сўз мулканинг султонларидан ҳазрат Навоий шунинг учун ҳам одамнинг таъби сўз билан, таомнинг таъми туз, сувнинг таъми муз билан деб бежиз айтмаганлар. Худди шу таъсирчанлик даражасини эгаллашимиз бир томондан масъулият ҳисси ва мажбурият бурчига дахлдор бўлса, иккинчи томондан ўзимизга ва айтадиган сўзимизга боғлиқ. Муҳими, халқнинг кайфиятини кўтариш, руҳиятини тетик қилиш бугунги бунёдкорлик ишларида ўз касби, қобилияти нуктаи назаридан фаол иштирок этишини таъминлаш мақсадга му-

вофиқ. Давлатимиз раҳбари даъвати билан айтганда “Биз янги Ўзбекистонни биргаликда қура- миз”.

Президентимизнинг ташаббуси билан бошланган зиёли ва маърифатпарварлардан таркиб топган маънавият, маданият ва санъат қарвони халқимиз орасида, маҳаллаларда, жамоа қорхоналари ва таълим муассасаларида бўлиб самимий учрашув ва ижодий мулоқотлар ташкил этишда юқоридаги фикр ва қоидаларга мос ҳолда иш олиб боргани қувонарлидир.

Маърифат ва маънавият тарғиботчилари Қашқадарё, Фарғона, Самарқанд вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон республикасида бўлиб анча тажриба орттириш асносида тарғиботнинг таъсирчан шакл ва методларини яратаётгани ва истифода этаётгани ҳам ибратга лойиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг жорий йил 7 сентябрдаги йиғилиши баённомасига асосан Сурхондарё вилоятидаги маҳаллаларда маданий-маърифий тадбирлар ижодий учрашувлар концерт дастурларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги топшириқларига мувофиқ Сурхондарё вилояти бўйлаб муваффақиятли сафар уюштирилди. Бир ҳафта мобайнида вилоятнинг туманларидаги барча маҳаллаларда, жамоат ташкилотларида учрашувлар ўтказилди.

Мамлакатимизда Янги Ўзбекистонни барпо этиш борасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг мазмун-моҳияти ва одамлар ҳаётига ижобий таъсирини аниқ ҳаётий мисоллар орқали одамларга содда ва тушунарли шаклларда етказиб бериш бобида тажриба орттириш долзарб масала. Шу мақсадда маданият ва санъат намоёндалари, ёзувчи ва шоирлар ҳамда маънавият тарғиботчиларини кенг жалб этган ҳолда республикамизда шаҳар ва кишлоқлар, маҳаллаларда аҳоли билан жонли мулоқотлар уюштириш, концерт дастурлари ва ижодий учрашувлар ташкил этиш, миллий фильмларни намойиш этиш тажрибаси амалда яхши натижалар бераётгани сир эмас. Бу ишга мутасадди вазирликлар, тегишли ташкилотлар барчаси жалб этилгани боис тадбирлар ўзига хос равишда, тизимли тарзда амалга оширилди.

Бунинг учун мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” деган бош ғоянинг моҳиятини идрок этиши зарур. Бу борада тарғиботчиларнинг фаолияти жуда муҳимлиги аён.

Камина ҳам маънавият тарғиботчиси сифатида даставвал Қашқадарёда, сўнг Фарғона, Самарқанд, Қорақалпоғистонда, кейин эса Сурхондарё вилоятида бўлди. Қарсак икки қўлдан чиқади деганларидек, ташкилотчилик ҳам кўнгилдагидек бўлганини таъкидлаш жоиз. Тарғиботчиларнинг ўз фаолиятини эмин-эркин намойиш эта олиши, халқ қалбига йўл топишлари учун барча шароитлар яратилган. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчиси ўринбосари, ишчи гуруҳ раҳбари Нодир Холбўтаев бошчилигидаги туманларга бириктирилган масъул раҳбарларнинг фаоллиги ҳам эътиборга молик.

Биз эса махсус тузилган режа-жадвалга мувофиқ Денов туманидаги маҳаллалар, жамоа ташкилотлари ва таълим муассасаларида бўлди. Халқнинг дарду ташвишларига ошно бўлиш, улуғвор мақсадлар сари олиб борилаётган сиё-

сат ва ислохотларнинг моҳиятини тушунтириш, бугунги тараққиёт ва бунёдкорлик ишлари ва шу йўлдаги захматкаш инсонларнинг қадрига етиш, ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларнинг хонадонларига бориб, улар ҳолидан хабар олиш каби вазифаларни ўз чиқишлари мобайнида ҳар бир тарғиботчи хис этиб турди. Бу туйғу тарғиботчининг теран мулоҳазалари, фактик маълумотларга асосланган нутқларида, таникли актёрларнинг чиқишлари, машхур ҳофиз ва кўшиқчиларнинг дилгир хонишлари, айни пайтда кино санъати усталарининг тақдим этаётган фильм премьералари намойишида ҳам тўла акс этди. Буларнинг барчаси халқнинг эътиборини тортибгина қолмай, балки бугуннинг қадрига етиш, истиқболга ишонч билан интилиш борасидаги ғайратига ғайрат кўшиши жиҳатидан ҳам қийматлидир. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги ҳарбий қисмларида ва Ички ишлар вазирлигининг туман бўлими бошқармасида бўлганимизда ҳам улар қалбидagi ватанга бўлган қайноқ меҳру муҳаббатни туйдиқ, савол ва жавоблари орқали эътиборга молик бўлганларга китоблар гулдастасини улашдик.

Айниқса, янги очилган Денов Тадбиркорлик ва педагогика институтидаги учрашувда талабалардан тортиб профессор-ўқитувчиларгача барчанинг жўшқин тарздаги иштирокини айтиб ўтмаслик мумкин эмас. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Баҳодир Нишоннов ва Шамсиқамар Мансуровларнинг ибратли монологлари, таникли санъаткорлардан Анвар Ғаниев, Абдуллажон Раҳимжонов, “Нихол” мукофоти совриндори Феруз Норматов, Шамсуқамар Қулназарова, Тоҳир Ҳамидовларнинг дилгир кўшиқлари, шунингдек, иқтидорли шоира Гулчеҳра Ибрагимова, Сатира театри актёри Мурод Низамовларнинг чиқишлари ижодий учрашув ва галаконцертларнинг файзига файз қўшиб турди.

Хуллас, биз деновликлар билан тиллашдик, аниқроғи, диллашдик. Етти ёшдан етмиш ёшгача бўлган аҳоли барча тарғиботчиларни чин дилдан олқишлаб уларни ёқтириб қолишди. Санъаткорларнинг шўх кўшиқларига рақсга тушаётган ёшу кекса, нуруний отахону-онахонларнинг, маҳалла фаолларининг юз-кўзларидаги қувонч ва нуруни кўриш беихтиёр бизга ҳам куч ва илҳом бағишлади. Айниқса машхур санъаткорлар билан биргаликда суратга тушиш, тарғиботчиларнинг, маърифатпарвар зиёлиларнинг китобларини дастхатлари билан қабул қилиш унутилмас онларни бахш этгани рост.

Сурхондарё вилоятининг бошқа туманларида ҳам худди шундай руҳни, мароқли учрашувларни кузатиш мумкин. Тадбирлар доирасида Республика Маънавият ва маърифат маркази ҳамда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида “Китоб қарвони”, “Маънавият фестивали”, китобхонлик бўйича викториналар, айниқса “Ўзбекистон қахрамонлари” номли монументал китоб тақдими эса қоларлик даражада мазмундор йўсинда ташкил этилди.

Бу ҳаракатлар, маърифий мақсадлар чинакам маънода маънавиятнинг, маърифий тарғиботнинг таъсирчан механизмнинг турли шакл ва услубларини яратиш борасида бош қотириш муҳимлигини талаб этади. Ана шундагина Президентимиз талаб этаётган сифат, самара ва натижадорликка эришишимиз мумкин.

**Раҳимбой ЖУМАНИЁЗОВ**  
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва  
“Маърифат” тарғиботчилар  
жамияти аъзоси

Яқиндагина гўзал ва бетакрор Ватанимиз энг улуг, энг азиз байрам – Мустақиллигимизнинг 31 йиллик тўйини нишонлади. Истиқлол туфайли ўзликимизни англадик, миллий-маънавий ва диний қадриятларимиз қайта тикланди. Озод халқ, эркин давлат сифатида юртимизнинг улкан салоҳиятини дунёга намойиш қилиш имконияти вужудга келди.

## ҲОКИМ ЁРДАМЧИСИДАН ХАЛҚҚА НЕ НАФ?

Ватан! Бу муқаддас сўз замирида қанчалик илохий куч-қудрат, маъно, бекиёс даъват мужассам эканлигини ҳеч ким, ҳеч қачон тўла ифода этолмас керак. Биз киндик қонимиз тўкилган Ватан, она тупроқ билан фахрланамиз, эъзозлаймиз. Унинг номини эшитган заҳоти қалбимиз тўлқинланади, бир олам ғурурга тўлади.

Юртимизда кейинги йилларда кенг миқёсда бунёдкорлик ишлари олиб бориляпти. Қаерда бўлманг, намунали уй-жойлар, йирик иншоотлар, кўприклар, замонавий мактаблар, мактабгача таълим ва туризм масканлари қурилаётганига гувоҳ бўласиз. Биргина Фарғона вилоятининг Фарғона тумани мисолида юқорида айтганларимизга ишонч ҳосил қилсак бўлади. Туман вилоят марказидан олисда, пурвиқор тоғлар пойида жойлашган. Бу ердаги улкан ўзгаришлар одамлар кайфиятини кўтарди, янгича яшашга, янгича фикрлашга ундади. “Янги Ўзбекистонда эл азиз, инсон азиз” ғояси айниқса ёшларни ҳаётга бўлган ишончларини орттирди, янада фаол бўлишга, янгиликлар яратишга йўл очди.

Шавкатжон Йўлдошев туманнинг иқтидорли, изланувчан ёшларидан бири. Фарғона политехника институтини тамомлаб муҳандис-қурувчи ихтисослигини эгаллагач, мақоламиз қаҳрамони турли лаво-

зимларда меҳнат қилди, туманни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга ҳисса қўшди. Президентимиз ташаббуси билан маҳалларда ҳоким ёрдамчиси лавозими ташкил этилгач, Шавкатжон ўзи истиқомат қилаётган “Бўстон” маҳалла фуқаролар йиғини ҳоким ёрдамчиси этиб тайинланди.



Шавкатжон куйди-пишди йигит. Ишни маҳалла айланишдан, ишсиз ёшларни аниқлашдан бошлади. Уни кексаю-ёш танийди. Маҳалладаги 2743 нафар аҳолини беш кўлдек билади. Шу кунгача 42 нафар ёшни доимий ишга йўналтирган бўлса, 67 нафарини мавсумий, 35 нафарини ўзини ўзи иш билан банд бўлишларига эришди. Демак, унинг ёрдами туфайли шунча оилага кут-барака



кирмақда. Уларнинг хурсанд бўлаётганини айтиш.

Тадбиркор бўламан, иқтисодиётга ҳисса қўшаман деган ниятда юрган 14 нафар фуқарога банклар томонидан имтиёзли кредитлар ажратилди ва турли йўналишдаги тадбиркорликларини бошлаб юборишди. До-

– Ҳар куни маҳалладошларимнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўламан, – дейди Шавкатжон биз билан суҳбатда. – Ўтган ҳафта вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров туманимизда бўлиб, кенг миқёсдаги бунёдкорлик ишлари билан танишганларида биз каби ҳоким ёрдамчилари олдида турган муҳим ишларни гапириб, халқ ичига кириб бориш, ишсизликни тугатиш, кам таъминланган, боқувчиси йўқ оилалар ҳолдан хабар олиш, туманда туризмни ривожлантириш учун кўп имкониятлар мавжудлиги, улардан унумли фойдаланиш ҳақида топшириқлар бердилар.

Чиндан ҳам Водил қишлоғи баҳаво, туризм учун қулай маскан саналади. Президентимизнинг Ўзбекистонда туризмни янада ривожлантириш ҳақидаги Қарори ижросини таъминлаш борасида талайгина ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Чиндан ҳам Фарғона туманига, хусусан Водил қишлоғига келинг, айтганларимизга ўзингиз ҳам гувоҳ бўласиз. Шавкатжон Йўлдошев каби ҳоким ёрдамчилари ҳақиқатдан ҳам халққа мададкор бўлишаётганидан кўнглингиз тўлади.

**Маҳаммаджон ОХУНЖОНОВ.**  
Фарғона вилояти.



## МОЗИЙГА ҚАРАБ ИШ ТУТМОҚ ХАЙРЛИДИР!

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академиясининг “Маънавият ва маърифат” марказида 2022 йилнинг 16 сентябрь куни атоқли ўзбек адиби, ўзбек романистика мактабинининг асосчиси Абдулла Қодирий ёрқин хотирасига бағишланган “Абдулла Қодирийнинг сўнги кунлари” мавзусида маънавий-маърифий тадбир ўтказилди.



Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги “Қатағон қурбонлари хотираси” музейининг директори, тарих фанлари доктори, профессор, “Меҳнат шухрати” орденининг соҳиби, истеъфодаги полковник Бахтиёр Ҳасанов, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси, адибнинг набираси, танқидчи олим Шеркон Қодирий, кодирийшунос олим, истеъфодаги подполковник Тўлқин Сайдалиев, Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси профессор-ўқитувчилари, ҳарбий хизматчилар, курсантлар ҳамда Оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этди.

Тадбирда сўзга чиққанлар, мамлакатимизда бугун аҳоли ва айниқса ёшларни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятлар

руҳида тарбиялаш ҳамда жонажон Ватанимизнинг истиқлоли, халқимизнинг озодлиги ва эркинлиги, келажак авлоднинг тинч ва фаровон ҳаётини таъминлаш йўлида мардона кураш олиб бориб азиз жонларини фидо қилган аждодларимизни хотирлаб, уларнинг ҳаёт мактабларини ёшларга ибрат қилиб кўрсатиш жоизлигини,

шу билан бирга мустабид тузум даврида қатағон қилинган аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш билан бир қаторда, уларнинг фаолияти ва бой маънавий меросини ўрганиш лозимлигини ҳамда тарғиб этиш муҳим эканлигини алоҳида таъкидладилар.

Шунингдек, тадбирда атоқли ўзбек адиби Абдулла Қодирийнинг ҳаёти ва ижоди, ёшларга ибрат бўладиган энг сара асарлари ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Тадбир якунида ташкилотчилар томонидан иштирокчиларга Абдулла Қодирий ҳамда жадидчилик мактаби адиблари қаламига мансуб китоблар ярмаркаси ташкил қилинган иштирокчиларда илиқ таассуротлар қолдирди.

**Фарҳоджон ХОЖАЕВ,**  
ФВВ Академияси  
катта ўқитувчиси, майор

Бухоро вилоят прокуратураси 2-сектор ҳузурда хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш маслаҳат маркази ва бепул психолог хизмати йўлга қўйилган. Ижтимоий иш йўналишида Миллий университет ва АҚШнинг Колумбия университети ЮНИСЕФ

ҳамкорлигидаги курсларда таҳсил олганим боис психологик тренингларда қатнашиб тураман. Ажрим ёқасига келиб қолган оила аъзолари келин-куёв ҳамда қайнона билан ўтказилаётган суҳбатга гувоҳ бўлдим.

ки, у рухий тушқунлик ҳолатида “мени ҳеч ким яхши кўрмайди”, “мен ҳеч кимга керак эмасман”, деган хулосага келган. Бу каби мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Ҳар бир ота-она фарзандининг характер-хусусияти, қизиқишларини инобатга олиб муомала қилиши, миллий кадриятларимизни онгига сингдириш учун махсус машғулотлар ўтказиши шарт эмас. Аммо оилаларда аксарият тарбиявий ўғитлар ҳаёт жараёнида бериб борилади. Тарбиянинг нозиклиги ҳам шунда. Мазкур жараёнда қайсидир ота-она фарзанд тарбияси қаттиққўлликни афзал кўришиб, ўзлари билмаган ҳолда болага тазйиқ ўтказишади. Ортиқча таъқиқлар, сабабсиз дакки бериш, жазолаш оқибатида боланинг болалигини “ўғирлаб” қўйишади. Мунтазам калтакланган ёки кўпол муомала билан тарбияланган бола кўпол, шафқатсиз, ҳатто жиноятга мойил бўлиб улғаяди. Масалан, кўп қаватли уйнинг тўртинчи қаватида яшайдиган қўшнимизда уч ўғил, биринчи қаватидаги ҳамсоюда икки ўғил ва бир қиз улғайишини эслайман. Тўртинчи қаватдаги қўшнининг отаси жуда қаттиққўл, қачон қараманг, уйдан болаларнинг йиғлаган овозлари эшитилиб турар, баъзан ҳавонинг совуқ кунларида ҳам юпун ҳолатда кўчада дийдираб турган бош фарзандини учратардим. “Кеч бўлди, уйга кирсанг, бўлмайми,” — деган саволимга: “Дадам уйга қўймайдилар...” дерди. Кейинчалик билсам, укалари йўл қўйган хатолар учун акани жазолаш — бу оиланинг тарбия услуби деб қабул қилинган экан. Шу болаларнинг тақдири нима бўлди?

Катта ўғил ҳаётда ўз ўрнини тополмади. Чунки у қўлидан иш кела бошлаган пайтда укаларининг ўқиши учун бозорда арава тортди. Энди эса ичкиликка берилиб, “Мен укаларимни ўқитдим, энди улар мени боқишсин,” дея ота-онасига боқиманда бўлиб қолган. Нотўғри тарбия оқибатида фарзанддан ота-она ҳам безор.

Пастки қаватдаги йигитлар тўғри тарбия боис, оталаридан эрта етим қолишган бўлишса-да, оналари, сингилларини жуда кадрлашади. Маҳаллада обрў-этиборга эга. Мен нотўғри тарбия туфайли ҳаётини қийинлаштирган йигитларни қоралай олмайман.

Бола қалби — беғубор. Уни оппоқ қоғозга қиёслашади. Ана шу оппоқ қоғозни эзгулик, яхшилик, меҳр-оқибат, ватанпарварлик каби миллий кадриятларимиз билан тўлдириш ота-она, бобо-бувининг оиладаги тарбиясига боғлиқ.

Миллий кадриятларимиз асосида аждодларимизга муносиб тарзда тарбияланган йигит-қизлар давлатнинг, жамиятнинг, миллатнинг бахти. Фарзандлар тарбияси олдидаги масъулиятни ҳис этиш, мажбурият юкини англаш, аввало, Ватан, халқ олдидаги масъулиятни дилда туйиш билан бир каторда фуқаролик бурчи ҳамдир.

М. ШАКАРОВА,

Ўзбекистон журналистлар уюшмаси аъзоси

# БОЛАЛИКНИ ЎҒИРЛАМАНГ!



4 ёшлар атрофидаги Хорун диванда ўтирган бувисига талпинарди.

— Жим ўтирасанми, йўқми?! — овози борича бақирди келин. Устига устак тарс-тарс этиб боланинг юзига урди. Болакай овоз чиқариб йиғламас, мўлтираганча бувисига тикилиб турарди. Бувиси юз-кўзларини ювиб тушаётган ёшни тиёлмасди.

— Шунинг учун ҳам келмайман деган эдим. Болани мана шунақа уриб тарбиялаб бўладими, гўдакда нима айб?! Нега тушунмайсиз, келин?!

— Ана шуни деб, сизнинг қўшилиб туришингиз учун, боламнинг тарбияси бузилаётганлиги учун ажрашаман!!!

— Исмингиз нима?

— Холида!

— Сиз ноҳақсиз. Бола бувисига бормокчи бўлди. Нима қилибди? Қўйинг борсин, соғинганлиги кўришиб турибди. Ҳатто уриб юзларини кизартириб юборсангиз ҳам йиғламади. Аслида болага зўравонлик ўтказаетганлигингиз учун сизни жавобгарликка тортиш мумкин.

— Бола меники. Хоҳласам...

— Бола сизники, тўғри. Лекин унинг ҳуқуқ ва эркинликлари қонун ҳимоясида буни унутманг...

Гапларим таъсир қилдим, боланинг қўлини қўйиб юборган эди ҳамки, у бувисининг бағрига ўзини отди. Бир зумда чехраси ёришиб кетган Хорун чўнтагидаги кичик ўйинчоғи, конфети — ҳаммасини бувижонига кўрсатиб бидирлаб гапирарди.

— Кўрдингизми? Болангиз ҳаётингиз мазмуни экан, унинг ҳам хоҳиш-истакларини инобатга олинг. У яхши кўрган кишиларни сиз ҳам яхши кўришга ҳаракат қилинг. Ҳаммаси яхши бўлади.

Холида бир сўз демай йиғларди.

Ичкари кириб қайтиб чикқанимда Хорун бувисининг бағрида ўтирарди.

— Айланай сиздан, яхши қилдингиз. Бир зумда ҳаммаси изга тушгандек бўлди. Бирор егулик олиб келай, ойижон Хорунга қараб туринг,

дедику. Балки ярашиб кетар ҳа-а.

— Албатта ярашади. Келинингиз ақлли, билимли, асосийси оилам, болам дейдиган қиз экан...

Гапим тугамай зиналардан кўтарилаётган Холидага кўзим тушди. Бир соат бурунги Холида эмас эди...

Фарзанд тарбияси ўта нозик масала. Шунинг учун ҳам бола тарбиясида, аввало оиладаги маънавий муҳит, ота-оналарнинг ўзаро муносабатлари, мутаносиблик, мураса йўлини танлай билиши жуда муҳим хисобланади.

**Қайси оилада китоб ўқиш, билим олиш, илм эгаллаш, касб-ҳунарга қизиқтириш, меҳнатсеварликка ўргатиш каби тарбия усуллари қўлланилса, катталарни ҳурмат, кичикларни иззат қилиш, меҳр-оқибат тушунчалари бобо-буви, ота-она томонидан дастурхон атрофидаги суҳбатлар жараёнида сингдирилса, у хонадонда улғайган бола жамиятга, одамларга нафи тегадиган, инсоннинг қадрига етадиган, Ватанни чин дилдан севадиган инсон бўлиб вояга етади.**

Енгил-елпи йўл билан бойиб кетган, барча нарсани пул билан қаричлайдиган, ҳаром-ҳаришдан кўркмайдиган, виждони ўрнига нафс ҳукмрон бўлган муҳитда ўсган ўғилдир, қиздир кибру ҳаволи, манманлик касалига чалинган бўлади. Баъзан ўқув масканларида, баъзан

**Мамлакатимизни 2017-2021 йилларда ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида ўтган давр мобайнида давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини тубдан ислоҳ этишга қаратилган 300 га яқин қонун, 4 мингдан зиёд Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорлари қабул қилинди.**

Етти устувор йўналишдан иборат 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида мамлакатимизда адолат ва қонун устуворлиги тамойилларини тараққиётнинг энг асосий ва зарур шартига айлантириш, миллий иқтисодиётни жадал ривожлантириш ва юқори ўсиш суръатларини таъминлаш вазифаларига алоҳида урғу берилган.

Шу нуқтаи назардан Тараққиёт стратегиясининг 13 мақсади – “мулк ҳуқуқларнинг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш ҳамда давлат органларининг мулк муносабатларга ноқонуний аралашувини чеклаш” деб белгиланган.

Конституциямизнинг 53-моддасига кўра, бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлиги, барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишини кафолатлайди.

Хусусий мулк бошқа мулкшакллари каби дахлсиз ва давлат ҳимоясидадир. Мулкдор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда ва тартибдагина мулкдан маҳрум этилиши мумкин.

Шу асосда юртимизда хусусий мулк устуворлигини таъминлаш ва унинг ҳуқуқий муҳофазасини кучайтиришга оид бир қатор норматив ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинмоқда.

Хусусан, 2022 йил 24 август куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “Мулк ҳуқуқининг дахлсизлигини ишончли ҳимоя қилиш, мулк муносабатларга асоссиз аралашувга йўл қўймалик, хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, мулк дахл-

турар жойга нисбатан мулкдор билан қариндошлик алоқаларига эга бўлмаган шахсларни ушбу турар жойдан доимий рўйхатдан чиқариш учун уларнинг розилигини олиш талаб этилмайди.

Судларда фуқароларга нисбатан мулк ҳимояси киритишда давлат бож тўлашдан озод қилинган давлат органлари сони қисқартирилади, фуқаролар эса ўз мулкни ўзганинг ноқонуний эгаллигидан талаб қилиб

## МУЛҚДОРЛАР ҲУҚУҚЛАРИ КАФОЛАТЛАРИ

сизлиги муҳофазасини янада мустаҳкамлаш ҳамда хусусий мулкнинг капиталлашув даражасини оширишни назарда тутувчи бир қатор янги тартиблар жорий қилинди. Шу жумладан:

Мулкка бўлган ҳуқуқни уни вужудга келтирган ҳужжатни бекор қилиш орқали тугатиш мумкин эмас. Агар ҳужжат ноқонуний қабул қилинган бўлса, фақат суд томонидан ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Ердан ихтиёрий воз кечиш мулкдорнинг нотариал тасдиқланган аризасига асосан амалга оширилади. Энди бунинг учун ҳоким қарорини қабул қилиш талаб этилмайди.

Юридик шахс тугатилганда унинг қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасига бўлган ҳуқуқлари бекор қилинмайди ва ер давлат захирасига қайтариб олинмайди. Мазкур ерлар тугатилаётган юридик шахснинг муассисларига ўтади.

“Хабеас корпус” институти доирасида суриштирувчи ва терговчининг мол-мулкни хатлаш билан боғлиқ қарорларини судда кўриб чиқиш тартибини жорий этилди.

Хусусий мулк ҳуқуқини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортиш учун асос бўладиган ҳолатлар белгилаб берилди. Шу жумладан, эндиликда хусусий мулк объекти ва у жойлашган ҳудудга мулкдорнинг руҳсатсиз кириш учун жиноий жавобгарликка тортишгача бўлган чоралар қўлланиши мумкин.

Эндиликда мулкдор ёки унинг вакили ўз мулкни ҳар қандай тажовуздан ҳуқуқни бузишга мутаносиб равишда ва ҳуқуқ бузилишининг олдини олиш учун зарур ҳаракатлар доирасида мустақил ҳимоя қилиш ҳуқуқига эга бўлади.

2023 йил 1 январдан “Кадастр ва кўчмас мулкларни рўйхатдан ўтказиш интеграцион ахборот тизими” (УЗКАД) кўчмас мулкка оид ягона ахборот базаси ҳисобланади. Бунда тизимдаги маълумотларнинг ҳақиқийлиги ва ишончилиги давлат томонидан кафолатланади.

Агар турар жой УЗКАД тизимидаги нотўғри маълумотларга ишониб харид қилинган бўлса, 3 йилдан кейин сотиб олувчидан (инсофли эгалловчи) ушбу уйни талаб қилиб олиш мумкин эмас. Дастлабки мулкдорга етказилган зарар давлат томонидан қопланиб, кейинчалик айбдордан ундирилади.

Ҳуқумат ва вилоятлар ҳокимликлари ҳузуридаги “снос” жамғармалари Жисмоний ва юридик шахсларга етказилган мулк зарарларни компенсация қилиш бўйича республика ва ҳудудий мақсадли жамғармаларга (компенсация жамғармалари) айлантирилди.

Аҳоли ва тадбиркорларга етказилган қуйидаги зарарлар компенсация жамғармаларидан тўлаб берилади:

- давлат органи, мансабдор шахс, хусусан, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг қонунга ҳилоф ҳаракатлари натижасида мулкдорга етказилган, суд қарори билан аниқланган зарар;
- кўчмас мулк объектларига бўлган ҳуқуқларнинг давлат реестрига ноқонуний ёки ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларнинг киритилиши натижасида унга ишониб ҳаракат қилган шахсларга етказилган зарар;
- турар жой инсофли эгалловчидан талаб қилиб олинмаслиги натижасида унинг ҳақиқий эгасига етказилган зарар.

олиш тўғрисидаги даъволари бўйича давлат божидан озод қилинади.

Адлия вазирлигига эса юқорида келтирилган янги тартибларни назарда тутувчи “Хусусий мулкни ҳимоя қилиш ва мулкдорлар ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги Қонуннинг янги таҳририни ишлаб чиқиш вазифаси юклатилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда аҳолига муносиб турмуш шароитини яратиш, ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, мулкдорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни кучайтириш, уларга янада қулай шарт-шароитлар яратишнинг қонуний асосларини мустаҳкамлаш, ўз навбатида, хусусий мулкчиликнинг иқтисодиётни ривожлантиришдаги ҳиссасини янада оширади.

Бу борада қабул қилинаётган қонун ҳужжатларининг мукамаллиги ва ошқоралиги, давлат органлари ва ташкилотларига мурожаат қилувчиларга янада кенг қулайликлар яратиш мақсадида аҳолининг барча қатламлари учун кўрсатиладиган интерактив хизматларни кенгайтириш, фойдали дастурий таъминотларни амалиётга изчил татбиқ этиб бориш олдимизда турган устувор вазифадир.

**Файзулло МҲЙДИНОВ,**  
Андижон вилояти  
Пахтабод тумани  
адлия бўлими  
бош маслаҳатчиси

ЭЪЛОН\*\*\* ЭЪЛОН\*\*\* ЭЪЛОН\*\*\* ЭЪЛОН\*\*\* ЭЪЛОН\*\*\* ЭЪЛОН\*\*\* ЭЪЛОН

### “ТОШКЕНТ МИНТАҚА” МЧЖ

**бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога “Ўзгидроэнергоқурилиш” АЖнинг 2022 йил 15 августдаги №01-11/1163 сонли хатига асосан, Тошкент шаҳар Мирзо Улугбек тумани Сайрам кўчаси 39 А уй манзилида сақланаётган “Ўзгидроэнергоқурилиш” АЖнинг тасарруфида бўлган «ENERGOISSIQLIKMONTAJ» УК баҳолаш хулосасига асосан (кўчмас мулк бино ва иншоотлари мавжуд эмас), Мулк мажмуа асосий воситалар (автотранспорт воситалари ва бошқа кўчар мулклар), товар моддий бойликлар, дебиторлик қарзлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш, корхоналарнинг

кредитор қарзлари, солиқ ва мажбурий тўловлар бўйича ва ҳисобланган пенялардан қарздорлик, иш ҳақи бўйича қарздорлик бошқа кредитор қарзлар, келажакда ҳисобланадиган пенялар (кўчмас мулк бино ва иншоотлари мавжуд эмас), (қарздорлик ҳозирда (2 000 000 000) икки миллиард сўмни ташкил этади), бошланғич баҳоси — 251 301 385,82 сўм аукционга қўйилмоқда (-5% туширилди).

Такрорий аукцион савдолари 2022 йил 29 сентябр куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик).

Аризаларни қабул қилишнинг охири муддати: бир кун аввал соат 16:00. 2022 йил 29 сентябр куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдолар 2022 йил 6 ва 13 октябр кунлари соат 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: бир кун аввал тўхтатилади. Савдо ғолибига 10 банк кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Ғолиб харидор “ENERGOISSIQLIKMONTAJ” УК активлари билан бирга, унинг барча жорий мажбуриятларини ҳамда кейинчалик вужудга келиши мумкин бўл-

ган тўловлар, шу жумладан коммунал ва солиқлар бўйича ҳисобланадиган пеня ва бошқа тўловларни зиммасига тўлиқ олиши мажбурияти юклатилади (огоҳлантириш). Ғолиб мулк мажмуани (кўчмас мулк бино ва иншоотлари мавжуд эмас), сотилиш баҳосидан 3% савдо ташкилотчисига тўлаб беради.


Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда зақалат пулини АЖ “Капиталбанк” ҳисоб-рақамга: 20208000405363013002, МФО:01136, ИНН:308305364га ўтказилади.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳар, Миробод тумани Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тел: (71) 233-28-52. (90) 358-38-07. (90) 971-200-00. Гувоҳнома 965941.

# ИНГЛИЗ ХОНИМНИНГ “ТУРК МАКТУБЛАРИ”

Шарқ ҳар доим ўз жозибаси билан Ғарбни мафтун этиб келган (гап истисно тариқасида XV асрдан кейинги давр ҳақида кетмоқда). Бу ҳолнинг ўзига хос сабаблари бор. Аввало, Темурийлар ренессансининг кашфиётлари анчайин совуққон Ғарб оламини чинакамига лол қолдирган эди. Кейин эса умуминсоний маданият даражасининг юксалиши, ўзаро савдо-сотикнинг авж олиши ва шу аснода халқаро алоқаларнинг кенгайиши туфайли янги тамаддунга гувоҳ бўлиш бу қизиқишни бир неча марта оширганди. Шундай саъй-ҳаракатлар натижасида элчилар, сайёҳлар, тужжорларнинг келиб-кетиши ҳам кучайди.



нади. Лондондан Туркия пойтахтига етиб боришдаги сафар тафсилотлари ва Истанбулдаги ҳаётни Мэри кундалик сифатида ёзиб борди ва “Туркиядаги элчихонадан мактублар” деб аталувчи бу битиклар кейинчалик кўплаб саёҳатчиларни шундай жанрда ёзишга илҳомлантирди.

Инглиз хонимнинг сафарномаси ўз замонаси учун жуда кўплаб янги мавзуларни талқин қилгани билан қимматли. Кундаликларда ўша кунларнинг қиёфаси, жонли ҳаёти аниқ акс этирилган. Шунингдек, сиёсий элита, яъни дипломатларнинг турмуш тарзи алоҳида ифодасини топган. Мактублар янги ижтимоий муносабатлар пайдо бўлаётган шароитда (XVIII аср Европада шундай босқич эди) саёҳат қилишнинг ўзига хос мантиғи, олдинги географик кашфиётларни кўзда тутган (масалан, Колумб ёки Виспуччи экспедициялари сингари) ҳаракатлардан элчининг дунё кезиши ўртасидаги фарқларни кўрсатиб берувчи ҳужжатли битик сифатида ҳам аҳамиятли. Шунингдек, уларга бир-бирига ўхшамаган маданиятларнинг тўқнашуви ва қоришуви, шу жараёнда ҳар хил этиқоддаги одамларнинг воқеликка муносабатини кўрсатиб берувчи таҳлил ёки гендер тадқиқоти сифатида ҳам қараса бўлади. Ана шундай салмоқли маънавий юк аёл қалби манзаралари билан нурлантирилган эдики, бу ҳол мактубларнинг кейинчалик қайта-қайта нашр этилиши ва оммалашувида дастак бўлди, дейиш мумкин.

**ҲАКИМ САТТОРИЙ.**

ва машҳур ҳарбий кўмондон, адмирал, граф Эдвард Монтегюнинг набираси Энн Уортли бор эди.

Мэри дугонаси Энн билан тез-тез хат ёзишиб турарди (ўша даврда жуда урф бўлган одат!) ва Энннинг жавобларини акаси Эдвард Уортли таҳрир қилиб берарди. Нима бўлди-ю, 20 ёшга ҳам тўлмаган Энн ёруғ дунёни тарк этади, аммо ёзишмалар унинг акаси билан давом этди. Хуллас, кўп ўтмай, сэр Эдвард гўзал Мэрининг қўлини сўради. Шу ўринда севги қиссаларида кўп учрайдиган ҳол рўй берди: Мэрининг отаси ўз мулкига Эдвард Уортли Монтегюнинг меросхўр бўлишини хоҳламади ва қизини бошқа йигитга узатмоқчи бўлди. Севишганлар бу тошбағирликка муносиб жавоб қайтардилар: гапни бир жойга қўйиб, қочиб кетдилар ва яширинча никоҳдан ўтадилар.

Ёш оиланинг дастлабки ҳаёти ёлғизликда кечди. Фақат уч йилдан кейин куёв бола парламент аъзоси бўлди ва тезда лорд-комиссар этиб тайинланди. Мэри ҳам ўзининг ўткир ақлий салоҳияти билан саройда обрўли ўрин топди. Унга аристократ эркаклар етарлича эътибор қаратишар, шоирлар маддоҳлик қилиб, шеърлар бағишларди. Сарой аҳлининг бундай эътибори, мухитнинг илиқлиги оила мавқеига ҳам ижобий таъсир этарди.

Шундай қилиб, 1716 йилда Эдвард Уортли Монтегю Буюк Британиянинг Истанбулдаги элчиси этиб тайинла-

“Туманли Альбион”да туғилган, куёш жазирамасини кўрмай улғайган настариндек окбадан ва феруза кўз Мэри Монтегю (1689 - 1762)нинг “эртаклар ўлкаси”га келиб қолиши ҳам бир томони тасодиф, бир томони инглиз лордларига хос қизиқувчанликнинг натижаси эди. Мэри Туркияга ташриф буюрган биринчи европалик аёл ёзувчи бўлиб чиқди. Икки қитъа туташган худудда яшаб, жуда таъсирланди ва кечинмаларини мактублар орқали ифодалади. Бу хатларни ўқирманлар давраси бисёр эди, чунки Мэри юқори даражали маънавий мухитда улғайганди. Насл-насаби ҳам олийшон эди: кейинчалик у мансуб герцоглар оиласининг қизларидан бири (айнан унинг қизи) Англия бош вазири Джон Стюартнинг умр йўлдоши бўлганди. Мэри ана шундай рутбада эди: у Британия империясининг Усмонлилар империясидаги биринчи элчисининг хотини эди.

Мэри Лондонда етарлича мавқеи ва бойликка эга Эвелин Пьерпонтлар оиласида туғилди, черковда чўқинтирилди. Оила мухити уни китобга ошно қилди. Мулкларининг яқинидаги Торси-холлда Англиядаги энг катта шахсий кутубхоналардан бири жойлашган эди ва ёш қизалоқ вақтининг кўп қисмини шу ерда – зиё масканида ўтказарди. Ёш хонимнинг яқин дўстлари қаторида аёллар ҳуқуқи учун курашчи сифатида танилган Мэри Эстел

ЖАМИЯТ

BONG.UZ

## Муассислар:

Ўзбекистон  
Республикаси  
Экология ва  
атроф-муҳитни  
муҳофаза қилиш  
давлат қўмитаси.

Тадбиркорлар ва  
ишбилармонлар  
ҳаракати —  
Ўзбекистон  
Либерал-демократик  
партияси.

Ўзбекистон  
Нодавлат нотижорат  
ташкilotлари миллий  
ассоциацияси.

Ўзбекистон  
Савдо-саноат  
палатаси.

Бош муҳаррир  
Мақсуд ЖОНИХОҲОВ

Газета таҳририятнинг  
компьютер бўлимида  
саҳифаланди.  
“Шарқ” нашриёт-матбаа  
акциядорлик компанияси  
босмахонасида чоп этилди.

Манзил:  
Буюк Турон кўчаси 41.  
Буюртма рақами Г-908  
Адади: 2050.  
Пайшанба куни чиқади.  
Қоғоз бичими А-3,  
ҳажми 2 босма табоқ.  
Баҳоси келишилган нарҳда.  
Газета Ўзбекистон  
матбуот ва ахборот  
агентлигида  
2006 йил 0010-рақам билан  
рўйхатга олинган.

ISSN 2010-7722

Навбатчи:  
Дилбар МАҲМУДОВА

Газетанинг полиграфик жихатдан  
сифатли чоп этилишига “Шарқ”  
нашриёт-матбаа акциядорлик  
компанияси масъул.

100000, Тошкент шаҳри  
Матбуотчилар кўчаси 32.  
Маълумот учун телефонлар:  
(71) 233-72-77,  
233-91-55

Реклама ва эълонлар учун:  
Электрон почта:  
jamiyat@umail.uz  
Газета индекси — 131  
“ЖАМИЯТ”дан олинган  
маълумотларда манба  
сифатида газета номи  
кўрсатилиши шарт.  
Топширилган вақти:  
20:00

1 2 3 4 5 6

ЭЪЛОН\*\*\* ЭЪЛОН\*\*\* ЭЪЛОН\*\*\* ЭЪЛОН\*\*\* ЭЪЛОН\*\*\* ЭЪЛОН\*\*\* ЭЪЛОН

## “ТОШКЕНТ МИНТАҚА” МЧЖ

**бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

О‘zbekiston Respublikasi “Issiqlik elektr stansiyalari” aksiyadorlik jamiyati, Toshkent “Issiqlik elektr stansiyasi” aksiyadorlik jamiyatining va 2022 йил 16 сентябрдаги №04/3571 сонли буюртма-номасига асосан, Тошкент вилояти Кибрай тумани Салар Toshkent “Issiqlik elektr stansiyasi” AJ томонидан сақланаётган ушбу автотранспорт воситалари очик аукцион савдосига такроран қўйилмоқда:

1. “Газ 3302” русумли Давлат рақами 10/413КАА бўлган 1995-йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 30 982 770 сўм. 2. “2ПТС-4793” русумли Давлат рақами 10 ВА 170 бўлган 1997-йилда ишлаб чиқарилган тиркама. Бошланғич баҳоси — 7 574 490 сўм. 3. “Зил 130” АГП22 русумли Давлат рақами 10/407КАА 1987-йилда ишлаб чиқарилган. Бошланғич баҳоси — 64 450 400 сўм.

Аукцион савдолари 2022

йил 7 октябр куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати: бир кун аввал соат 16:00. Автотранспорт воситаси 2022 йил 7 октябр куни сотилмаган тақдирда, тақрорий савдоси автотранспорт воситаларининг 14 ва 21 октябр 11:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилишнинг охириги муддати 1

кун аввал. Савдо ғолибига 10 банк кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Ғолиб харидор сотилиш баҳосидан 3 фоиз Савдо ташкилотчисига тўлаб беради Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закат пулини АТБ “Капитал-банк” Яшнобод филиали, х/р:20208000205363013001 МФО:01136, СТИР:308305364 га ўтказилади.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.  
Телефон рақамлари: (71) 233-28-52. (90) 358 38 07. Гувоҳнома №.965941

**Бир умр ИИБ тизимида катта-кичик лавозимларда ишлаган тажрибали юрист Ўткир Жўраевни шу соҳанинг нонини еган инсонлар, ижодкор аҳли ҳам яхши танирди. Чунки унинг эғнида мундир бўлгани билан қалби шоир эди.**

Ўткир Жўраев бировнинг дилини оғритмас, ғоят меҳрибон, хушмуомалали инсон эди. Донишмандларга хос оҳангда гапирар, унинг доно, соҳир суҳбатларидан бир олам завқ олардик. Устоз умуман ёлгон сўз ишлатмасди. Олийжаноблик, тўғрисиқлик унинг шиори эди. Яхши, кўзга кўринган ижодкор сифатида эл-юрт орасида хурмати баланд эди. Таниқли ҳуқуқшунос-ижодкор Ўткир Жўраев “Адолат” ҳамда “Вазият” газеталарининг тахрир ва жамоатчилик кенгаши аъзолари сафидан ўрин олганди.

Ўткир ака ИИБ тизимида катта-кичик лавозимларда узок йиллар хизмат қилди. Асосий фаолияти Кадрлар бошқармасида кечди. Тўғрисиқни айтганда, кўпчилик мени Ўткир аканинг яқин одами бўлса керак, деб ўйларди. Қариндошини ишга жойлаштиришда ёрдам беришимни илтимос қилишарди. Яширмайман, билимли, ўзим яхши таниган, қадамидан ўт чақнайдиған йигитларни ишга олишни илтимос қилганман. Азамат, сен бу йигитларни менга мактаб ўтирма, тўғридан-тўғри ҳужжат топшириб, бахтини синаб кўрсин. Сен айтгандай, укувли, билимли, кучли йигит бўлса, синовлардан қийналмай, шундоғам ўзи хизматга олинаваради, дерди Ўткир ака. Шу-шу кадр масаласида илтимос қилмайдиган бўлдим.

Ўткир ака салоҳиятли, тажрибали ходимларни хурмат қилар, уларнинг мавқеига мос лавозимларга тавсия қиларди. Милиция ходимлари ҳақида танқидий материал матбуотга чиқиб қолгудек бўлса, қаттиқ хафа бўларди. Оддий бир мисол. “Адолат” газетасининг қайсидир сонидан танқидий мақолам чиққанди. Унда бир милиция майорининг ноҳўя қилмишлари ҳақида ёзилганди. Ўткир ака менга кўнғироқ қилиб, бекор қилибсан, у майорни сўраб-суриштиргандим, яхши ходим, яқинда подполковник унвонини олиши керак эди, деди. Сен жиноят қидирув бўлими тезкор вакилининг биттагина камчилигини кўрибсан-у, унинг қанча ютуқлари борлигини биласанми? Қанчадан-қанча жиноятларнинг олдини олгани кўзингга кўринмадими, дея

менга даққи берди. Шундан сўнг майорни бўлган воқеа иштирокчиси билан учраштириб, ўзаро узр-маъ-

## Эзгуликнинг умри барҳаёт



зур бўлганди. Ўткир ака ана шундай кўл остидаги ходимларнинг кадрига етадиган ҳокисор раҳбарлардан бири эди.

Кадрлар соҳасида ишлаш ўта оғир. Ўткир ака хизматдан жуда кеч қайтар, бўш вақти деярли бўлмас-

ли йигитлар эканини билганим учун шу масалада ёрдам сўраб ИИБ вазирли қабулига кирдим. Вазир Ўткир акани чақириб, бу масалани чуқурроқ ўрганиб, менга ахборот беринг, деди. Ўткир аканинг иши ўта тигиз бўлишига қарамасдан, жабрланувчи ака-ука ишини обдон текшириб, чуқур ўрганди. Уларнинг ноҳақ иш-

дан олингани текшириш давомида аниқланиб, ишга қайта тикланди. Бундан хурсанд бўлган ака-укалар бир кўйни сўйиб Ўткир Фармоновичга бериб кўйинг, деб такси орқали жўнатиб юборишибди. Буни Ўткир акага айтгандим, жажли чиқиб,

**Мен кўпинча ижод масаласида ҳам Ўткир**

**акадан маслаҳат сўраб турардим. 2000 йилнинг сентябрида Президентимизнинг турли хил экстремистик оқимлар таъсирида террорчилик гуруҳлар таркибига адашиб кирган, бироқ қўли қонга ботмаган, ўз қилмишидан пушаймон бўлиб бош эгиб келган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги фармони эълон қилинган эди.**

ди. Шундай бўлса-да, излаган имкон топади, деганларидек Ўткир ака вақтдан унумли фойдаланиб, ижодга шўнғиб кетар, тузуккина шеър ва газаллар ёзарди.

Полковник Ўткир Жўраев адолатсизликка сира чидай олмасди. У ИИБ тизимидан ноҳақ ишдан кетганларнинг аксариятини қайта ўз хизматида қайтарди, буни кўпчилик яхши билади. Мисол учун менинг Абдумалик деган синфдошим, унинг укаси – бири полковник, бири майор, ИИБ тизимида ишлаб юрган пайтларида арзимаган сабаб билан “ўз аризасига кўра” ишдан бўшатилди. Мен уларнинг ҳалол, иймон-

“Улар шундай қилишини билганимда ишига аралашмасдим. Омонатини эгасига қайтариб юбор, улар қайтиб бунақа иш қилишмасин”, деб мени қаттиқ койиди. Мен хизмат вазифамни бажардим, холос. Улар ноҳақ бўлганида ишга тикланмасди, деди.

Ака-укалар ИИБ тизимида узок йиллар хизмат қилиб, обрў эътибор билан нафақага кузатилиб, айни пайтда кексалик гаштини сураяпти, Ўткир Жўраев ҳақида дуои фотиҳа қилиб юришибди.

Ўткир Жўраевнинг таниқли шоирлар, ёзувчи ва журналистлардан дўсту салафлари бисёр эди. Умуман

олганда, Ургутдан ёмон ижодкор чиққан эмас. Алишер Навоий номидаги давлат мукофоти совриндори, таниқли шоир Барот Бойқобилов, юрист-шоир генерал-майор Ҳайдар Яҳёев (собиқ ички ишлар вазири), Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналистлар – ёзувчи-шоирлар Абдусайд Кўчимов, Ўткир Раҳмат, Маматкул Ҳазраткулов, Асад Дилмуродов ва яна жуда кўп иқтидорли ижодкорларни, чинакам зиёлиларни яхши биламан. Ўткир аканинг Ўткир Жўра тахаллуси билан бир нечта шеърини ва насрий тўпламлари чоп этилган.

Ўткир Жўраев узок йиллар ИИБ тизимида самарали хизмат қилди, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги хавфсизлик кенгашида масъул ходим, Ахборот ва оммавий телекоммуникациялар агентлиги директорининг биринчи ўринбосари, умрининг охирига қадар ИИБ Нурунийлар марказий кенгаши раисининг биринчи ўринбосари лавозимида хизмат вазифасини ўтаб келди.

Мен кўпинча ижод масаласида ҳам Ўткир акадан маслаҳат сўраб турардим. 2000 йилнинг сентябрида Президентимизнинг турли хил экстремистик оқимлар таъсирида террорчилик гуруҳлар таркибига адашиб кирган, бироқ қўли қонга ботмаган, ўз қилмишидан пушаймон бўлиб бош эгиб келган Ўзбекистон фуқароларини жиноий жавобгарликдан озод этиш тўғрисидаги фармони эълон қилинган эди. Мазкур фармондан илҳомланиб “Адашганларга” шеърини ёздим. Хурсанд бўлганимдан Ўткир акага телефонда уни ўқиб бердим.

Ўткир ака шеърни “Постда” газетасига берди. Босилиб чиққач, анча шов-шувларга сабаб бўлди. Ўша пайтдаги Ички ишлар вазири мени қабулига чақириб, шеърим учун миннатдорлик изҳор қилганида, ўзимда йўқ хурсанд бўлиб кетдим.

Ўткир ака бевақт сафимизни тарқатиб кетган бўлса-да, ундан солиҳ ўғил-қизлар, бир этак эсли-хушли, ақлли неваралар, кўнғилга ёруғлик бахш этадиган шеърлар қолди. Катта ўғил полковник Муҳиддин Жўраев ота изидан бориб, халқимиз осойишталигини таъминлаш йўлида фидокорона меҳнат қилди, хизмат пиллапояларидан кўтарилиб, эл назарига тушди. Айни пайтда Фарғона вилояти ИИБ бошлиғи лавозимида фидойилик билан хизмат бурчини давом эттириб келмоқда. Демак, Ўткир аканинг иккинчи умри унинг сулоласида, авлодларида давом этмоқда.

**Азамат СУЙОНОВ,  
Ўзбекистон Ёзувчилар  
уюшмаси аъзоси.**